

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ АКМАЛ АСКАРОВИЧ

**АТРОФ МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ПАСТ АКТИВЛИГИНИ
ЎРГАНИШ: ГАММА СПЕКТРОМЕТРИЯДА ЯНГИ ЁНДАШУВ**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Сафаров Акмал Аскарлович

Атроф-муҳит объектларининг паст активлигини ўрганиш: гамма-
спектрометрияда янги ёндашув..... 5

Сафаров Акмал Аскарлович

Исследование низких активностей объектов природной среды: новый
подход в гамма-спектрометрии 21

Safarov Akmal Askarovich

The study of low activities of environmental objects: a new approach in
gamma spectrometry..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ АКМАЛ АСКАРОВИЧ

**АТРОФ МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ПАСТ АКТИВЛИГИНИ
ЎРГАНИШ: ГАММА СПЕКТРОМЕТРИЯДА ЯНГИ ЁНДАШУВ**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/FM508 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муминов Толиб Мусаевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Лутпуллаев Сагдулла Лутфуллаевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Бекмирзаев Раҳматулла Нурмурадович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация химояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м. ф. д., профессор

О.Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м. ф. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда сцинтилляцияцион детекторлар (биринчи навбатда NaI(Tl) кристалларига асосланган) ядро физикаси, тиббий диагностика, дозиметрия, радиология, кончилик, нефт-газ соҳаси, кимё саноати, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари хавфсизлиги радиацион назорати, криминалистика, геология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида кенг қўлланилади. Сцинтилляцияцион гамма-спектрометрларнинг бир қатор афзалликларига қарамай, уларнинг муҳим камчилиги энергия бўйича паст ажрата олиш қобилиятидир. Сўнгги йилларда дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан янги инновацион материалларга асосланган $\text{LaBr}_3(\text{Ce})$ ва $\text{LaCl}_3(\text{Ce})$ каби детекторлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу детекторлар 2 барабар юқори энергия бўйича ажрата олиш қобилиятига эга, аммо ҳатто улар ҳам мураккаб радионуклидли таркибга эга, масалан, табиий муҳит объектлари намуналаридаги интерференцияловчи гамма нурларини идентификация қила олишмайди. Шу муносабат билан, сцинтилляцияцион детекторларнинг энергия бўйича паст ажрата олиш қобилиятини компенсация қилишга қаратилган усулларни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Жаҳонда атроф-муҳит муҳофазасининг физикавий таҳлиliga бағишланган тадқиқотларнинг асосий қисми, фундаментал илмий изланишлар билан бир қаторда инсонларни ортиқча радиоактив зарарланишдан ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шу сабабли, аҳолининг нурланиш дозаларини баҳолашда қўлланиладиган сцинтилляцияцион спектрларни қайта ишлашнинг янги ёндашувларини топиш, масалан, гамма-спектрларни математик алгоритмлар ёки эталон манбалари спектрлари ёрдамида таркибий қисмларга ажратиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда атом электр станцияси қурилиши режалаштирилганлиги муносабати билан ҳукумат томонидан атом энергетикасини ривожлантириш Концепцияси қабул қилинган ва унда инсон саломатлиги билан боғлиқ радиацион хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Президент томонидан белгилаб ўтилган “атом энергиясидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазасини ва одамларни радиациядан ҳимоя қилишни таъминлаш” вазифасини бажариш мақсадида атроф-муҳит радиацион ҳолатини назорат қилишда гамма спектрометрик таҳлилларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда илм-фаннинг муваффақиятли ривожланиши учун фундаментал тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий йўналишлари ва уларни амалий қўллаш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Стратегиясида¹ ўз аксини топган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 июлдаги ПФ-5484-сон “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4165-сон “2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ва 2019 йил 16 октябрдаги ПҚ-4492-сон “Ўзбекистон Республикасининг ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув ресурслари муаммолари, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги олимлар, шу жумладан исроиллик (K. Kovler, Z. Prilutskiy, S. Antropov, N. Antropova, V. Bozhko, Z.B. Alfassi, N. Lavi), юнонистонлик (M. Pilakouta, F.K. Pappa, D.L. Patiris, C. Tsabaris, C.A. Kalfas), покистонлик (Muhammad Iqbal, Muhammad Tufail, Sikander M. Mirza), хитойлик (Jian-Feng He, Yao-Zong Yang, Jin-Hui Qu, Qi-Fan Wu, Hai-Ling Xiao, Cong-Cong Yu), бельгиялик (C. Mertens, C. De Lellis, P. Van Put, F. Tondeur), буюк британиялик (J.D. Allyson, D.C.W. Sanderson), америкалик (Robin P. Gardner, Xianyun Ai, Cody R. Peeples, Jiaxin Wang, Kyoung Lee, Johanna L. Peeples, Adan Calderon) ва бошқалар томонидан экспериментал гамма спектрларни таҳлил қилишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда сцинтилляцион гамма спектрларни таҳлил қилиш бўйича мавжуд усуллар радионуклид таркиби маълум бўлган намуналардаги табиий радионуклидларнинг солиштирма активлигини юқори аниқлик билан ҳисоблашга имкон беради. Шу билан бирга, сцинтилляцион детекторларнинг гамма квантларни қайд қилиш эффективлиги юқорироқ бўлганлиги сабабли, намунани таҳлил қилиш вақти яримўтказгичли детекторларга нисбатан бир неча баравар қисқарок.

Бироқ, мавжуд математик ечимлар муайян спектрометрнинг жавоб бериш функциясининг ноаниқлиги билан чекланган. Спектрал интерваллардаги радионуклидларнинг сезгирлик коэффициентларини ўлчашга асосланган экспериментал усуллар намунада фақат ^{232}Th , ^{238}U ва уларнинг емирилиш маҳсулотлари, шунингдек ^{40}K мавжудлиги тахмини билан чегараланган. Намунада бошқа гамма нурланишга эга радионуклидлар мавжуд бўлганда, интерференцияловчи фоточўққилар ва уларнинг таркибидаги Комптон тақсимотининг улуши туфайли ўлчов хатоликларини ҳисоблаш имконияти чегараланиб қолади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ОТ-Ф2-025 “Оғир металллар ва радионуклидларнинг биологик тизимларнинг техноген ифлосланган ҳудудларида эко-физиологик жараёнларига таъсирини ўрганиш” (2007-2009), № ИТД-7-024 “Тушувчи радионуклидларнинг гамма-спектрометрияси (^{137}Cs , ^7Be) ва Ўрта Осиёда тупроқнинг емирилишини баҳолаш” (2009-2011), № А-7-13 “Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида оммавий қурилиш жойларида радон хавфини баҳолаш” (2015-2017), № А-7-6 “Ичимлик сувининг радиацион хавфсизлигини мониторинг қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” (2015-2017), № ПЗ-20170927132 “Қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезкор баҳолаш методикаси” (2018-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб радионуклидли таркибга эга объектлар тадқиқотларида сцинтилляцион гамма спектрометрияда кузатиладиган энергия буйича паст ажрата олиш қобилиятини компенсация қилиш ечимларини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб радионуклидли таркибга эга намуналарининг сцинтилляцион ү-спектрларини таркибий қисмларга ажратиш буйича услубий ечимларини ишлаб чиқиш;

топилган ечимлар асосида:

атроф-муҳитнинг турли объектларида радионуклидларнинг фон миқдорларини тадқиқ қилиш;

тушувчи радионуклидлар солиштирма активлиги билан тупроқ эрозияси жараёнлари орасидаги боғланишни ўрганиш;

қурилиш материалларининг радиацион ҳолати буйича тезкор таҳлил имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Нурота ҳудудидаги тупроқ, ўсимликлар, сув, фойдали қазилмалар ва қурилиш материаллари намуналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини атроф-муҳит объектларидаги табиий, техноген ва космоген радионуклидларнинг солиштирма активлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Сцинтилляцион ва яримўтказгичли гамма спектрометрия, математик статистика, спектрометрик маълумотларни қайта ишлаш, спектрометрик тизимнинг параметрларини барқарорлаштириш, сигналларни шакллантириш ва амплитуда буйича чегаралаш (дискриминация этиш) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

паст активлик ва мураккаб радионуклидли таркибга эга намуналар гамма спектрометрик таҳлилларида мавжуд гамма фоточўққилар интерференцияси муаммосини бартараф этувчи ва Комптон тақсимотининг фоточўққиларга

қўшган улушини тўғри ҳисобга олувчи сцинтилляцион гамма спектрларни таркибий қисмларга ажратишга асосланган янги ёндашув таклиф этилган;

Нурота табиий муҳит объектлари таркибидаги табиий, космоген ^7Be ва техноген ^{137}Cs радионуклидларнинг солиштирма активлиги миқдорлари илк бор аниқланган;

тупроқларнинг ўрта ва қисқа муддатли эрозиясини миқдорий баҳолашда жараён бориш тезлигининг ^7Be ва ^{137}Cs тушувчи радионуклидлар концентрацияси ва тарқалишига боғлиқлиги аниқланган;

қурилиш материалларининг радиацион ҳолатини тезкор баҳолашда ^{226}Ra ва унинг емирилиш маҳсулотлари ўртасидаги мувозанат бузилишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил вақтини ўн карра қисқартирувчи усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паст активликга эга атроф-муҳит намуналарини ўрганишда сцинтилляцион гамма спектрометрлардан фойдаланиш имкониятлари кенг даражада оширилган;

тушувчи радионуклидлар солиштирма активлигини ўлчаш асосида тупроқ эрозияси даражасини миқдорий баҳолашда сцинтилляцион гамма спектрометрларнинг қўлланилиши мумкинлиги асосланган;

қурилиш маҳсулотларининг 300 дан ортиқ намуналари таркибидаги табиий радионуклидлар таҳлили асосида ^{226}Ra ва унинг емирилиш маҳсулотлари орасидаги мувозанатнинг бузилиш диапазони аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Менделеев номидаги метрология институти томонидан аттестацияланган стандарт намуналардан фойдаланилганлиги, олинган натижалар Халқаро атом энергияси агентлиги ядро физикаси ва асбобсозлик лабораторияси, Сиберсдорф, Австрия ва АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги шамол эрозияси ва сувни тежаш тадқиқот маркази, Биг Спринг, Техас, Америка Қўшма Штатлари ташкилотлари билан ҳамкорликда таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг адабиёт маълумотларига ва умумий физик тушунчаларига мос келганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паст активлик ва мураккаб радионуклидли таркибга эга объектлар тадқиқотлари жараёнида интерференцияловчи фоточўққилларни аниқлаш имкониятларини оширишга ва радионуклидлар солиштирма активлигини аниқлашдаги статистик хатоликларни $\approx 1\%$ ва ундан кам даражагача камайтиришга олиб келувчи гамма спектрларни қайта ишлашнинг янги ёндашувини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини радиацион дозаларни баҳолаш, sanoat корхоналари радиоэкологик мониторинги, тупроқ эрозиясини миқдорий баҳолаш, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг радиацион ҳавфсизлигини таъминлаш соҳаларида сцинтилляцион гамма спектрометрлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сцинтилляцион гамма спектрларни таркибий қисмларга ажратиш ва атроф-муҳит объектларининг

радиоактивлигини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

паст активлик ва мураккаб радионуклидли таркибга эга объектлар тадқиқотларида мавжуд гамма фоточўққилар интерференцияси муаммосини бартараф этувчи ва Комптон тақсимотининг фоточўққиларга қўшган улушини тўғри ҳисобга олувчи сцинтилляцион гамма спектрларни таркибий қисмларга ажратишга асосланган янги ёндашувдан ЎзР ФА Ядро физикаси институти ва Қибрай тумани СЭОМ ўртасидаги № РЛТ-046-2018, № РЛТ-092-2018, № РЛТ-142-2019, № РЛТ-167-2019 тижорат шартномалари доирасида ^{137}Cs , ^{226}Ra , ^{232}Th элементлар таркибини аниқлашда (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 октябрдаги 2/1255-2237- сон маълумотномаси) ҳамда чет эл олимлари илмий ишларида фойдаланилган (халқаро журналлардаги ҳаволалар: International Journal of the Physical Sciences Vol. 6(13) (2011) 3105–3110; Revista Mexicana de Ciencias Geológicas, v. 29, núm. 3, 2012, p. 659-675; International Journal of Mathematics and Physical Sciences Research ISSN 2348-5736 (Online) Vol. 3, Issue 1 (2015) 40-47; Revista Mexicana de Física 58 (2012) 241–248). Илмий натижаларнинг қўлланилиши озиқ-овқат маҳсулотларининг радиацион хавфсизлиги бўйича таҳлилларнинг самарадорлигини ошириш ва табиий радионуклидларнинг солиштирма активлигини ҳисоблаш имконини берган;

Нурота атроф-муҳит объектлари таркибидаги табиий, космоген ва техноген радионуклидларнинг аниқланган миқдорлари бўйича маълумотлардан ЎзР ФА Ядро физикаси институти ва “UZLITI ENGINEERING” қўшма корхонаси ўртасидаги № РЛТ-002-2019 тижорат шартномаси доирасида ^{226}Ra , ^{232}Th , ^{40}K , ^{137}Cs , ^7Be элементлар таркибини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 октябрдаги 2/1255-2237- сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистондаги биринчи атом электр станцияси қурилиши режалаштирилган ҳудуддаги радиоэкологик изланишларнинг дастурини тузиш имконини берган;

тупроқларнинг ўрта ва қисқа муддатли эрозия ва чўкма жараёнлари интенсивлигининг тушувчи радионуклидлар концентрациясига боғлиқлигини ўрганишда олинган маълумотлардан ЎзР ФА Ядро физикаси институти ва “Uzbekistan GTL” қўшма корхонаси ўртасидаги № UzGTL-CON-0065 тижорат шартномаси доирасида ^{137}Cs , ^7Be элементлар таркибини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 октябрдаги 2/1255-2237- сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Қашқадарё вилоятида жойлашган “Uzbekistan GTL” қўшма корхонаси объектларининг қурилиши режалаштирилган ҳудудида тушувчи радионуклидларнинг тупроқдаги чуқурлик бўйича тақсимотини аниқлаш имконини берган;

таҳлил вақтини ўн карра қисқартирувчи қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезкор баҳолаш усулидан республика сертификатлаш органлари ва корхоналарнинг буюртмаларига кўра ЎзР ФА Ядро физикаси институти ва Қибрай тумани СЭОМ ўртасидаги № РЛТ-098-

2018, № РЛТ-119-2019 тижорат шартномалари доирасида ^{226}Ra , ^{232}Th , ^{40}K элементлар таркибини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 октябрдаги 2/1255-2237- сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлиги бўйича таҳлилларнинг самарадорлигини ошириш ва маҳсулотларни сертификатлашда ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, шундан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр қилинган ишлар, иш апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Паст активликка эга атроф-муҳит намуналарини ўлчашнинг гамма-спектрометрик усуллари**" деб номланган биринчи бобида гамма сцинтилляцион ва яримўтказгичли спектрометрлар вауларнинг хусусиятлари тўғрисида қисқача маълумот берилган. Чет эллик муаллифларнинг бир қатор ишларида паст спектрал ажрата олиш қобилиятини компенсациялашга мўлжалланган усуллар билан биргаликда эффективлиги юқори ва нархи арзон NaI(Tl) детекторларидан, намуна таркиби табиий радионуклидлар билан чегараланган ҳоллар учун, кўп сонли намуналар таҳлилларини ўтказишда фойдаланиш афзаллиги кўрсатилган. Таъкидланишича, ҳозирги кунга қадар намуналарнинг радионуклид таркиби номаълум бўлган ҳолатлар учун сцинтилляцион гамма-спектрларни ўлчаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва табиий объектларнинг, масалан сув ёки ўсимликлар, пастактивлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг "**Паст активликка эга атроф муҳит намуналарини**

Ўрганишда янги ёндашув" номли иккинчи боби муаллиф томонидан ишлаб чиқилган сцинтилляцион гамма спектрларини компонентларга ажратиш усулига бағишланган. Бу усул интерференцияловчи фоточўққиларни ва Комптон тақсимотининг радионуклидлар тўлиқ ютилиш фоточўққиларига кўшган ҳиссасини тўғри ҳисобга олади.

Таъкидланишича, паст активликка эга атроф-муҳит намуналарини ўлчашнинг мавжуд усулларида қуйидаги муаммолар мавжуд:

фон ва намуна спектрал таркибининг ўхшашлиги;
атроф-муҳитдаги кўпчилик объектлар учун хос бўлган радионуклидларнинг паст концентрацияси;

табiiй фон активлигининг намунадаги табiiй радионуклидлар активлигига тенглиги ва кўп ҳолларда эса юқорилиги;

кўпчилик радионуклидларнинг γ -нурланишлари тўлиқ ютилиш фоточўққиларининг интерференцияси.

Ўлчанган спектрларни ^{226}Ra , ^{222}Rn , ^{228}Ac ва уларнинг емирилиш маҳсулотлари, ^{235}U , ^{40}K , ^{137}Cs ҳамда ^7Be билан боғлиқ компонентларга ажратиш орқали сцинтилляцион детекторнинг энергия бўйича паст ажрата олиш қобилияти компенсациялаштирилган.

Тадқиқотларда 10 см қалинликдаги қўрғошин ҳимоясига жойлаштирилган NaI(Tl) сцинтилляцион γ -спектрометрдан фойдаланилган. Детектор $\varnothing 63 \times 63$ мм ўлчамга ва $\Delta E_{\gamma}/661 \text{ кэВ} = 8,5 \%$ энергия бўйича ажрата олиш қобилиятига эга.

Ўлчаш учун сув, тупроқ ва кўмир намуналари 1 литр Маринелли идишларида герметик равишда қадоқланган. Экспериментал спектрларни компонентларга ажратиш ва уларнинг активлигини аниқлаш учун ^{226}Ra , ^{232}Th , ^{40}K ва ^{137}Cs ОМАСН ҳажмий эталон манбаларидан фойдаланилган. Улар 0,85-0,98 кг/л зичликка ва $A_E = 7350-13790$ Бк активликка эга (хатоликлари $\Delta A_E/A_E \leq 0,06$).

Умуман олганда, намунанинг спектрини, намуна таркибидаги радионуклидлар ва уларнинг емирилиш маҳсулотлари нурланишлари; фоннинг космик, детектор ва унинг атрофидаги объектларнинг нурланишлари компонентларининг йиғиндисини сифатида ифодалаш мумкин.

1. Намуна спектри r (зичлиги ρ_r) қуйидагича кўриб чиқилади:

$$R = F_r + R_{Ra} + R_{Th} + R_K + R_{Cs} + R_{Be} + R_U \quad (1)$$

бу ерда F_r – фон, $R_{...}$ – намунадаги радионуклидлар компонентлари.

2. F_r компоненти сифатида зичлиги ρ_r бўлган I инерт намунанинг I_{ρ} спектри олинади (инерт намунанинг активлигини ҳисобга олмаса ҳам бўлади).

3. R_{Ra} , R_{Th} , R_K ва R_{Cs} компонентлар сифатида зичлиги ρ_r га яқин эталон намуналарнинг E_{Ra} , E_{Th} , E_K и E_{Cs} спектрлари олинади. Ушбу спектрлар ўлчаш вақти ва тўлиқ ютилиш фоточўққилар юзалари N_{γ} бўйича намуна спектрларига нормаллаштирилган (фон компонентлари олиб ташланган 1764 кэВ ^{214}Bi , 2614 кэВ ^{208}Tl , 1461 кэВ ^{40}K ва 661 кэВ ^{137}Cs

фоточўққилар, α_{Ra} , α_{Th} , α_K ва α_{Cs} – нормаллаштириш коэффициентлари):

$$R_{Th} = \alpha_{Th} \times E_{Th}; R_{Ra} = \alpha_{Ra} \times E_{Ra}; R_K = \alpha_K \times E_K; R_{Cs} = \alpha_{Cs} \times E_{Cs} \quad (2)$$

4. Кейинчалик намуна спектридан компонентлар кетма кет айириб ташланади:

$$R_0 = R - F_R, R_1 = R_0 - \alpha_{Th} \times E_{Th}, R_2 = R_1 - \alpha_{Ra} \times E_{Ra}, \\ R_3 = R_2 - \alpha_K \times E_K, R_4 = R_3 - \alpha_{Cs} \times E_{Cs} \quad (3)$$

5. R дан барча компонентларни айириб ташлагандан сўнг, 478 кэВ ${}^7\text{Be}$, 43 ва 185,7 кэВ ${}^{235}\text{U}$ нурланишлари ҳамда μ тақсимоти йиғиндисидан иборат спектр ҳосил бўлади. Бунда μ методик ва статистик хатоликларни характерлайди.

$$R_4 = R_{Be} + R_U + \mu \quad (4)$$

6. Юқоридагиларни инобатга олиб, экспериментал спектрни (1) қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$R = I_p + \alpha_{Ra} \times E_{Ra} + \alpha_{Th} \times E_{Th} + \alpha_K \times E_K + \alpha_{Cs} \times E_{Cs} + R_{Be} + R_U + \mu \quad (5)$$

${}^{226}\text{Ra}$, ${}^{232}\text{Th}$, ${}^{40}\text{K}$ ва ${}^{137}\text{Cs}$ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_{RN} = A_E \alpha_{RN} / m \quad (6)$$

${}^7\text{Be}$ ва ${}^{235}\text{U}$ эса 478 кэВ ${}^7\text{Be}$ ва 185,7 кэВ ${}^{235}\text{U}$ тўлиқ ютилиш фоточўққилар юзалари N_γ бўйича ҳисобланади:

$$A_{RN} = \frac{N_\gamma}{\varepsilon_\gamma \alpha_\gamma t m} \quad (7)$$

бу ерда ε_γ ва α_γ – қайд қилиш эффе́ктивлиги ва γ -нурланишнинг квант чиқиши, t – ўлчаш вақти, m – намуна массаси.

Методик ва статистик хатоликларни μ тақсимоти ва E_{PH} спектрлардаги γ -нурланишларининг энергетик интервалларидаги импульслар сони орқали қуйидаги муносабат билан баҳолаш мумкин

$$\delta_{RN} \approx \frac{N_{\mu, \Delta E_\gamma}}{N_{RN, \Delta E_\gamma}} \quad (8)$$

Бунда, интерваллар қуйидаги кўринишга эга:

F_r учун $E_\gamma > 0$, R_{Ra} ва R_{Th} учун $E_\gamma > 500$ кэВ, ${}^{40}\text{K}$ учун $E_\gamma = 1300 - 1600$ кэВ ва ${}^{137}\text{Cs}$ учун $E_\gamma = 500 - 750$ кэВ.

Танланган сув, тупроқ ва кўмир намуналари мисолида (ν , P ва C) экспериментал γ -спектрларни таҳлил қилиш усуллари, уларни компонентларга ажратиш тартиби ва R_4 қолдиқ спектрини дока планшетига тушадиган ойлик атмосфера ёғинлари спектри билан таққосланиши кўрсатилган.

Энг баланд ва паст интенсивликли ($I(V_0) = 4,46 \cdot 10^6$ ва $I(V_1) = 5,68 \cdot 10^5$ *имп/б соат*) спектрлар қудукдаги катта миқдорда радонга эга v_0 ва v_1 сув намуналарида кузатилди (бунда v_1 бу 45 кун давомида сақланган v_0 намунаси). F_r фон спектри интенсивлиги ($I(F_r) = 5,277 \cdot 10^5$ *имп/б соат*) сув, тупроқ ва кўмир спектрларидаги барча компонентлар интенсивликларидан юқори қийматга эга (сувдаги ^{222}Rn нинг $V(\text{Rn})$ ва кўмирдаги $C(\text{Ra})$ компонентлардан ташқари) (1-жадвал).

1-жадвал

Намуналар спектрлари ва уларнинг компонентларининг нисбий интенсивликлари $I[R(i)]/I[F_r]$

Намуна	R	R (Rn)	R (Ra)	R (Th)	R (K)	R (^{235}U)	R (Cs)	R (Be)	R (δ)
v_0	8,45	738	0,054	0,013	0,004	$<10^{-4}$	-	-	-
v_1	1,08	-	0,054	0,013	0,004	$<10^{-4}$	-	-	0,003
P(0-0,3 см)	2,07	-	0,250	0,360	0,172	$<0,005$	0,129	0,135	0,004
C	4,10	-	1,667	0,989	$<0,002$	0,401	-	-	0,038

Ушбу маълумотларни кўриб чиқиб $R(i)$ компонентларининг интенсивлигини аниқлашда статистик ва услубий хатоликларни баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «**Табиий объектларни ўрганишда гамма спектрларни компонентларга ажратиш усулини қўллаш**» номли учинчи бобида амалий масалалар мисолида, табиий объектларнинг сцинтилляцион гамма спектрларини ўлчаш ва таҳлил қилишда яратилган усулдан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган:

- усул ёрдамида атроф-муҳит объектларида радионуклидларнинг фон миқдорларини аниқлаш;
- тушувчи радионуклидларнинг ер юзасидаги тақсимотини ўлчаш орқали тупроқнинг кўчиш жараёнларини миқдорий баҳолаш;
- қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезкор баҳолаш. Олинган экспериментал натижалар қуйидаги амалий аҳамиятга эга:
- иқтисодиётнинг турли соҳаларида қурилиши режалаштирилган саноат корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашни ўтказиш. Жаҳон амалиётида бирон бир замонавий йирик саноат корхонаси ушбу баҳоловсиз молиялаштирилмайди;
- қисқа вақт ичида катта майдонлар учун тупроқ эрозияси даражасини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш. Бу вазифа ер ресурсларини бошқаришдаги долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда;
- қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезкор баҳолаш орқали намуналарнинг таҳлил вақтини ўнлаб кунлардан 3 соатгача қисқартириш ва қурилиш саноати корхоналари учун харажатларни камайтириш.

Нурота ҳудудидаги табиий объектларининг радиоактивлигини ўрганиш.

Нурота худудидаги табиий сувлар, чўкмалар, тупроқлар, тоғ жинслари, ўсимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ойлик атмосфера ёғинлари таркибидаги табиий, космоген ^7Be ва техноген ^{137}Cs радионуклидларнинг миқдорини сцинтилляцион γ -спектрометрик усул ёрдамида ўрганилди (1-расм).



1-расм. Нурота худудида намуна олиш жойлари

Табиий радионуклидларнинг тупроқ, чўкмалар, тоғ жинслари ва қурук ўсимликлар намуналаридаги ^{238}U , ^{232}Th ва ^{40}K ўлчанган солиштирма активликлари, уларнинг нисбатлари ва ер қобиғидаги ушбу радионуклидларнинг кларклари 2-жадвалда келтирилган.

Изоҳ: **тупроқлар** а) қумли ва кулранг (серозем), б) кулранг ва шудгорли, с) жигарранг карбонат, д) шағал; **ёввойи ўсимликлар** э) қамиш ва шувок, ф) исирик ва янтоқ, г) ўт аралашмаси, х) дарахт - тол; **тоғ жинслари** и) туз, к) мрамар, л) гранит, м) палеоген доломит, н) маъданли доломит, о) кўрғошин-рух рудаси, п) оҳактош, қ) қумтош ва сланец.

Озиқ-овқат намуналарида радиоактивлик асосан ^{40}K га, тупроқдаги ^7Be ва ^{137}Cs активликлари эса ёғингарчилик миқдорига боғлиқ.

Ўтказилган тадқиқотлар сцинтилляцион γ -спектроскопия усуллари табиий муҳитнинг радиоактивлигини ўрганишда қўллашнинг мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Тупроқ жараёнларини тушувчи радионуклидлар ёрдамида тадқиқ этиш.

Ишлаб чиқилган усулнинг имкониятлари экспериментал майдон худудида ^{137}Cs нинг ер юзасидаги тақсимотини тадқиқ этиш ва ушбу тақсимотни тупроқ кўчиши жараёнлари билан боғлиқлигини ўрганиш мисолида кўрсатилди.

Ушбу изланишларда тупроқнинг эрозиясини миқдорий баҳолашда ^{137}Cs нинг солиштирма активлигини катта аниқлик билан ҳисоблаш жуда муҳимдир.

2-жадвал


Табиий радионуклидларнинг тупроқ, ўсимлик ва тоғ жинсларидаги
солиштирма активликлари

№ намуна	A _{min} -A _{max} , Бк/кг			A(²²⁸ Ac)/A(²²⁶ Ra)	A(⁴⁰ K)/A(²²⁶ Ra)
	²²⁶ Ra	²²⁸ Ac	⁴⁰ K		
к (кларклар)	31	52	775	1,68	9,5
1-4, 9, 5-8 а)	16-29	23-41	430-610	1-1,7	18-31
11,12 б)	30-45	33-46	620-690	0,9-1,3	17-27
13,14,17 в)	31-45	51-68	700-870	1,3-1,9	18-28
12,23 д)	?	?	210-270		
1-3;5-9 е)	15-26	9-27	240-320	0,6-1,3	10-15
5-8,9 ф)	27-40	31-44	280-460	0,9-1,1	10-16
14 г)	25-31	36-40	620-750	1,2-1,5	22-27
10,11 ҳ)	9-15	18-22	340-376	1,4-1,9	23-39
9и)	≤4	≤3	<10		
10 к)	9-17	<3	<20	<0.3	<1
12 л)	16-30	50-83	900-1250	2,3-3,5	10-16
15 м)	6-14	<2-4	140-170	≤0.3	12-18
15 н)	590-650	7-13	<20	<0.02	<0.03
15 о)	310-400	220-270	<20	0.6-0.7	<0.06
15 п)	10-15	<5	<10-90	<0.5	<1-6
18 қ)	11-21	38-43	400-430	2,2-3,4	21-36

Қоратепа тоғларидаги қоялар тагидан бошланиб, 5 км шимол томон дренаж ҳавзасининг пастки қисмига қараб 32 та нуқталарда тупроқ намуналари олинди. Бизнинг вазифамиз ¹³⁷Cs нинг ер юзасидаги тақсимоти асосида трансект бўйлаб тупроқни бир неча ўн йиллик давр мобайнида қайта тақсимланишининг тарихини ўрганишдан иборат эди.

Тупроқ намунасининг спектри 2-расмда кўрсатилган. Бу ерда ¹³⁷Cs нинг активлиги спектрнинг компонентларга ажратиш усули билан аниқланган.

Барча нуқталардан олинган намуналарда ²²⁶Ra, ²³²Th, ⁴⁰K, ¹³⁷Cs ва унинг миграцияси максимал чуқурлиги, ҳамда ⁷Be нинг ойлар бўйича активлиги ўлчанган.



2-расм. Тупрокнинг юза қатлами намунаси ($m=1,3$ кг) S ($N_s= 2,63 \times 10^6$ имп) спектрининг компонентларга ажратиш. Солиштирма активликлар: ^{226}Ra – 32 (2,5) Бк/кг, ^{232}Th – 28 (2,5) Бк/кг, ^{40}K – 604 (45) Бк/кг, ^{137}Cs – 53 (4) Бк/кг, ^7Be – 32 (3) Бк/кг, ^{235}U – $\approx 5,3$ Бк/кг

Тоғнинг 12, 14 ва 15 нуқталарида кузатилган ^{137}Cs нинг жуда паст активлиги ва саёз миграцияси шамол ва сув эрозиясидан далолат беради. Адир тупроқлари таркибида ^{137}Cs мавжуд бўлиб, бунда унинг активлиги ва миграция чуқурлиги тахмин қилинган гидрология ва эрозия режимига тўғри келади.

^{137}Cs нинг ер юзасидаги тақсимоти бўйича олинган экспериментал маълумотлар тупроқнинг кўчиш жараёнлари билан аниқ боғлиқлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида ушбу тадқиқотларда спектрларни компонентларга кетма кет ажратиш қўлланиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезкор баҳолаш.

Ҳозирги замонда одамлар 80% вақтини бинолар ичида ўтказишади. Шунинг учун, қурилиш материалларида табиий радионуклидлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда, уларнинг инсон организмга радиация таъсирини ўрганиш муҳимдир. Қурилиш материаллари хавфсизлигининг кўрсаткичи сифатида солиштирма эффектив активлик (Ra_{eq}) катталиги олиниб, у миллий ва халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Тадқиқотларимизда Ra_{eq} ни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланганмиз:

$$Ra_{eq} = A_{Ra} + 1.3A_{Th} + 0.09A_K \quad (9)$$

бу ерда A_{Ra} , A_{Th} ва A_K - ^{226}Ra , ^{232}Th ва ^{40}K ларнинг солиштирма активликлари (Бк/кг).

Бир хил радиацион дозани 370 Бк/кг ^{226}Ra , 260 Бк/кг ^{232}Th ва 4810 Бк/кг ^{40}K радионуклидлари ҳосил қилади деб тахмин қилинади. Бунда $Ra_{eq} < 370 \text{ Бк/кг}$ га эга материаллар хавфсиз деб ҳисобланади.

Одатда, қурилиш материалларини таҳлил қилиш учун талаб қилинадиган вақт 40 кунгача бўлиши мумкин. Бунинг сабаби, ^{226}Ra ва унинг емирилиш маҳсулотлари ўртасидаги мумкин бўлган мувозанат бузилишини ҳисобга олиш кераклигидир. Намунани тайёрлашнинг стандарт жараёни радиоактив мувозанатни ўрнатиш учун намунани герметизация қилишни ва сақлашни (^{222}Rn нинг 10 ярим емирилиш давригача) тавсия этади.

Қурилиш материалларининг намуналарини герметик ҳолда сақламасдан тезкор таҳлилини амалга ошириш имконияти ўрганиб чиқилди ва кўп сонли таҳлилларни ўтказиш учун оптимал ўлчаш вақти аниқланди. Бундай ҳолда, маълумотларнинг таҳлили ишлаб чиқилган янги сцинтилляцион усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Қурилиш материалларининг асосий турлари учун ^{226}Ra ва унинг емирилиш маҳсулотлари ўртасидаги радиоактив мувозанатнинг бузилиш диапазонини экспериментал равишда аниқланди.

Радий учун тузатиш коэффициентини (k) қуйидагича аниқланади: $k = \frac{A_t}{A_0}$.

Бу ерда A_0 ва A_t намунани сақлашдан олдин ва кейин бўлган радийнинг солиштирма активлиги. Радий активлигининг фоиз миқдориди ўсиши (p) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади $p = (k - 1) \cdot 100$.

Экспериментал маълумотларга кўра, намунани сақлаш пайтида радий активлигининг ошиши сопол ғишт ва шағал намуналари учун минимал (11%) ва кулранг гранит намунаси учун максимал (22%) бўлган. Бу тузатиш коэффициентларининг 1,11 ва 1,22 қийматларига мос келади. Кулранг гранит ҳолатида радий солиштирма активлигининг 22% га ўзгариши Ra_{eq} қийматининг тахминан 6,5% га ўзгаришига олиб келади.

Тузатиш коэффициентини инобатга олган ҳолда, (9) - формулани қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Ra_{eq} = k \cdot A_{Ra} + 1.3A_{Th} + 0.09A_K \quad (10)$$

Ўлчанган намуналар учун k нинг қиймати 1,1 дан 1,2 гача бўлган интервалда ётади. Консерватив ёндошувни ҳисобга олган ҳолда, кузатилган максимал энг юқори тузатиш коэффициентига янада 10% ноаниқлик кўшиб, радий ва унинг емирилиш маҳсулотлари ўртасида мумкин бўлган мувозанат бузилишини ҳисобга оладиган $k=1,3$ коэффициент қийматига эга бўламиз.


Қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезкор баҳолаш услубини синаб кўриш учун, 2016-2018 йилларда танлаб олинган 16 турдаги 304 та қурилиш материаллар намуналари таҳлил қилинди. Натижалар 3-расмда келтирилган.

Тузатиш коэффициентидан фойдаланиш таҳлил вақтини ўн карра қисқартиради, ва бу, ўз навбатида, қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини тезда баҳолаш имконини беради.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларининг табиий радиоактивлик даражаси юқори эмас ва кўп ҳолларда Ra_{eq} қийматлари 370 Бк/кг стандартидан анча паст.

Шу сабабли, узоқ муддатли намуналарни сақлаш, кўп соатлик намуна ва фон ўлчашлари, ҳамда спектрларни қайта ишлаш учун махсус усулларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- Ra_{eq} + хатолиги 370 Бк/кг га яқин бўлган ҳолатларда;
- Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларини қўллашда (масалан, фосфогипс, металлургия саноатидаги шлаклар ва хоказо);
- Қурилиш материалларини импорт қилишда.



3-расм. Қурилиш материаллари намуналарининг йиғинди солиштирма эффектив активликларининг максимал ва минимал қийматлари

ХУЛОСА

“Атроф-муҳит объектларининг паст активлигини ўрганиш: гамма спектрометрияда янги ёндашув” мавзусидаги физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Табиий муҳит объектларидаги радионуклидларнинг паст активлигини ўрганишда сцинтилляцион гамма спектрларни ^{226}Ra , ^{222}Rn ва ^{228}Ac , ^{235}U , ^{40}K , ^{137}Cs ва ^7Be компонентларга ажратишга асосланган янги ёндашув илк бор таклиф этилди;
- Янги ёндашувнинг радионуклидларни аниқлашда статистик хатоликларни сезиларли даражада камайтиришга имкон бериши (1% гача), интерференцияловчи гамма фоточўққиллар муаммосини бартараф этиши ва Комптон тақсимотининг тўлиқ ютилиш фоточўққилларга қўшган хиссасини тўғри ҳисобга олиши кўрсатилди. Таклиф қилинаётган ёндашув универсал характерга эга бўлиб, яримўтказгичли спектрометрлар, шу жумладан HPGe детекторлар спектрлари таҳлили учун қўлланиши мумкин. Масалан ^{235}U ва ^{226}Ra даги интерференцияловчи фоточўққилларни ажратиш учун;
- Ушбу ёндашувнинг паст активликка эга табиий муҳит намуналарини ўлчаш билан боғлиқ амалий масалаларни ечишда сцинтилляцион гамма спектрометрларидан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириши намоён этилди;

- Нурота худуди табиий объектларидаги радионуклидларнинг фон миқдорлари ўлчанди ва сцинтилляцион гамма спектрометрларни биз томонидан ишлаб чиқилган ёндашув ёрдамида худудларнинг радиоэкологик мониторингини ўтказишда қўлланиши мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди;
- Анъанавий тупроқшунослик усуллари билан олиб борилган тадқиқотларда эришиш қийин бўлган, тупроқларнинг ўрта ва қисқа муддатли эрозия ва чўкма жараёнлари интенсивлигининг тушувчи радионуклидлар концентрациясига боғлиқлиги аниқланди. Бу эса тупроқ эрозиясини миқдорий баҳолашда сцинтилляцион спектрометрлардан фойдаланиш имкониятини беради;
- Ўзбекистоннинг 9 вилоятларидан олинган 16 тур 304 дона қурилиш материаллар намуналари учун ^{226}Ra ва унинг емирилиш маҳсулотлари ўртасидаги радиоактив мувозанатининг бузилиш диапазони аниқланди;
- ^{226}Ra ва унинг емирилиш маҳсулотлари ўртасидаги радиоактив мувозанатнинг мумкин бўлган бузилишини ҳисобга олувчи қурилиш материалларининг радиацион хавфсизлигини баҳолашнинг тезкор усули ишлаб чиқилди. Ушбу усул таҳлил вақтини ўн карра қисқартириб, кўп сонли намуналарни экспресс таҳлилини ўтказишга ва ишлаб чиқарувчиларининг харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САФАРОВ АКМАЛ АСКАРОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ НИЗКИХ АКТИВНОСТЕЙ ОБЪЕКТОВ
ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ: НОВЫЙ ПОДХОД В ГАММА
СПЕКТРОМЕТРИИ**

01.04.08 - Физика атомного ядра и элементарных частиц. Ускорительная техника

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/FM508.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Муминов Толиб Мусаевич**
доктор физико-математических наук, профессор,
академик

Официальные оппоненты: **Лутпуллаев Сагдулла Лутфуллаевич**
доктор физико-математических наук, профессор

Бекмирзаев Рахматулла Нурмурадович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 при Институте ядерной физики (Адрес: 100174, г. Ташкент, пос. Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289-31-41, факс: (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (регистрационный номер _____) (Адрес: 100214, г. Ташкент, пос. Улугбек, ИЯФ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 г.
(Реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 г.).

М. Ю. Ташметов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

О.Р. Тожибоев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, PhD.ф.-м.н.

И. Нуритдинов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире сцинтилляционные детекторы, в первую очередь на основе кристаллов NaI (Tl), широко применяются в ядерной физике, медицинской диагностике, дозиметрии, радиологии, горнодобывающей промышленности, нефтегазовом секторе, химической отрасли, контроле радиационной безопасности пищевой продукции и строительных материалов, криминалистике, геологии, охране окружающей среды. Несмотря на ряд безусловных преимуществ сцинтилляционных гамма спектрометров существенным их недостатком остается низкое энергетическое разрешение. В последние годы ведущие мировые производители разработали детекторы на основе новых инновационных материалов, как, например, $\text{LaBr}_3(\text{Ce})$ и $\text{LaCl}_3(\text{Ce})$ с более чем в 2 раза лучшим энергетическим разрешением, однако этого по-прежнему недостаточно для идентификации интерферирующих гамма линий в образцах со сложным радионуклидным составом таких, как объекты природной среды. В связи с этим разработка методов, позволяющих компенсировать низкое энергетическое разрешение сцинтилляционных детекторов, является актуальной задачей.

В мире основная часть исследований, посвященных физическому аспекту анализа объектов окружающей среды, наряду с фундаментальными научными изысканиями посвящена проблеме защиты населения от радиационного воздействия. В связи с этим, особое внимание уделяется поиску новых подходов обработки сцинтилляционных гамма-спектров, например, методов их разложения на составляющие с использованием математических алгоритмов или спектров эталонных источников, позволяющих, в частности, проводить оценку дозовых нагрузок на население.

В связи с планируемым строительством атомной электростанции в Узбекистане правительство приняло Концепцию развития атомной энергетики, в которой особое внимание уделяется вопросам радиационной безопасности населения. Повышение эффективности проведения гамма-спектрометрических анализов при мониторинге радиационного состояния окружающей среды имеет важное значение для выполнения поставленной Президентом задачи “обеспечение защиты окружающей среды и защиты людей от радиации при использовании атомной энергии”. Направления этих фундаментальных исследований, имеющих важное значение для развития науки нашей страны и её практического применения, отражены в стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 г.¹

Исследования в этой области соответствуют целям и задачам, предусмотренным в Указах Президента № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5484 «О мерах по развитию атомной энергетики в Республике Узбекистан» от

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 07 февраля 2017 г.

19 июля 2018 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4165 «Об утверждении концепции развития атомной энергетики в Республике Узбекистан на период 2019 — 2029 годов» от 7 февраля 2019 года, № ПП-4492 «Об утверждении стратегии развития кадрового потенциала для ядерно-энергетической программы Республики Узбекистан» от 16 октября 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике IV. «Сельское хозяйство, биотехнологии, проблемы водных ресурсов, экология, охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. К настоящему времени учеными многих стран мира, в том числе израильскими (К. Kovler, Z. Prilutskiy, S. Antropov, N. Antropova, V. Bozhko, Z.B. Alfassi, N. Lavi), греческими (M. Pilakouta, F.K. Pappa, D.L. Patiris, C. Tsabaris, C.A. Kalfas), пакистанскими (Muhammad Iqbal, Muhammad Tufail, Sikander M. Mirza), китайскими (Jian-Feng He, Yao-Zong Yang, Jin-Hui Qu, Qi-Fan Wu, Hai-Ling Xiao & Cong-Cong Yu), бельгийскими (C. Mertens, C. De Lellis, P. Van Put, F. Tondeur), британскими (J.D. Allyson, D.C.W. Sanderson), американскими (Robin P. Gardner, Xianyun Ai, Cody R. Peeples, Jiaxin Wang, Kyoung Lee, Johanna L. Peeples, Adan Calderon) и другими авторами разработаны различные методы обработки экспериментальных гамма спектров.

Доступные в последние годы методы обработки сцинтилляционных гамма спектров позволяют с высокой точностью определять удельные активности естественных радионуклидов в образцах с известным радионуклидным составом. При этом, за счет более высокой эффективности регистрации гамма квантов сцинтилляционных детекторов, для достижения заданной минимально детектируемой активности необходимое время измерения одного образца в разы меньше по сравнению с полупроводниковыми гамма спектрометрами.

